

FARG'ONA SUV TA'MINOTI
 MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
 JAMIYATI
 *
 BAG'DOD TUMAN
 BO'LIMI
 № 24
 2022 "10" 26
 150200, Bo'ston ko'chasi 53-uy

"Сув таъминоти ва оқава сув
 обьектлари қурилиши бўйича
 инжиниринг компанияси" УК
 Фарғона вилоят худудий
 бошқармаси
 Р.Холиқназаровга
 бошлиғи

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Богдод тумани Янгиобод МФЙ (Ёшларобод кучаси) худудида яшовчи 4081 нафар ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Богдод тумани Янгиобод МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи 0,5 м³ хисобланиб, Уланиш нуктаси: Янгиобод МФЙ худудидаги мавжуд калодец дан кувур материали-поэлетилен, бўлган диаметри Ø-110 атмосфера босими 0,5 АТМ кувурдан лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан узунлиги 3 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқишида тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув


объектлари лойиха-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилishi шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур обьектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ
Богдод тумани булим бошлиғи:

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ
Богдод тумани ИЧБ мухандиси:



З.Усмонов

Ш.Махмудов